



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 5 сентябрь, № 176 (4329) • Чоршанба

БОЙСУНДА ЮЗ ОЧГАН МЎЪЖИЗА

Истиқлолнинг 16 йиллик тантаналари бойсунликларга, хусусан, Дарбанд қишлоғи аҳлига қўшақўша қувончлар олиб келди. Қишлоқда бир пайтнинг ўзида иккита муҳим иншоот — «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрган» йўналишида «Дарбанд» бекати ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» миллий компаниясининг совғаси — 54-мактаб бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

Мустақиллик иншоотлари

Шунинг учун ҳам бугун бу ерда яшаётган одамларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, уларнинг сўзларида фахри ифтихор жўш уриб турганини англайсиз. Ҳақиқат: «Биз мана шундай мактабда ўқиш бахтига мўшарраф бўлдик» дейишса, ёши улуг кишилар: «Бу мактабни бизга Президентимизнинг ўзлари тўхфа этдилар» дея тилларидан бол томиб, ўқув даргоҳини макташмоқда. Аслида, дарбандликлар ҳар қанча мактабни, қишлоқларини қўлларга кўтаришса арзийди. Негаки, биз, марказий оммавий ахборот воситалари ходимлари Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан янги мактабни қўриш ниятида йўлга чиққанмизда, очиги, бунчалик мухташам ва мукамал таълим қошаонасида бўламиз, деб ўйламаган эдик. Етиб борган эса, мактаб биноси қаршисида лол қолдик.



(Давоми 2-бетда).

«Бош пудратчи ташкилот — «Самарқанд-диабаз» ишлаб чиқариш-тижорат корхонаси қурувчилари томонидан бунёд этилган ушбу мактабга 888 миллион сўм маблағ сарфланди, — дейди Бойсун тумани халқ таълими бўлими мудири Алишер Пардаев. — Қурилиш ишлари март ойида бошланиб, августда якунланди. 216 ўқувчи ўрнига мўлжалланган мактабнинг ҳар бир синфи энг замонавий талаблар даражасида жиҳозланган.

Муносабат

Кеча муҳтарам Юртбошимиз маърузасини тинглаб ўтириб, кўз олдимдан нафақат мустақил ўзбекистон босиб ўтган йўл, балки кўнжа Ватанимнинг неча асрлик кечмиши, шукҳу ва уқубатлар тўла, қаҳрамонлик ва забунлиқ тўла қисмати бирма-бир ўтди. Инсон — Ватан — Олам, деган тушунчалар уйғунлиги ҳаёлимни забт этди.

ҲУРРИЯТ БАХШ ЭТГАН ҚУДРАТ

Негаки, кечаги маъруза «Биз ким эдик, ким бўлдик, дунё ҳамжамиятида макеимиз кеча қандоқ эди, бугун қандоқ, юртинг эртанги кунини қандай ҳолатда тасаввур этамиз?» деган саволларни ҳаммамиз ва ҳар биримизнинг олдимишга қўйиб, жаҳоний миқёсда тафаккур қилишга чорлади.

Инсон, одатда, кундалик меҳнат билан, турмуш ташвишлари билан банд бўлиб, ўзининг қандай замонада, қандай маконда яшаётганини ўйламайди, чуқур хис этмайди. Тарих миқёсида демаяман, бизнинг ёшимиздаги авлод учун ҳам тўқсон биринчи йил бамисоли кунни кечадай. Лекин фикр қилиб кўрсак, олам-жаҳон воқеалар содир бўлди. Оз фурсат ичида дунё бошқа бўлди, юрт янги, авлод янги, онг янги, дунёқараш ва муносабатлар янги бўлди. Халқ ўзининг азамат елкасида асрлар юкини кўтаргандай, ҳаёлга сиймас бунёдкорлик ишларини амалга оширди.

Бунёдкорлик. Бу ҳақда ўйлаганда, кўнгул гурурга тўлади. Ҳар бири аср қурилиши деб аташга муносиб неча иншоотлар қад кўтарди, Ватанимнинг қон томири бўлган йўллар барпо қилинди. Шарқ томонда водий оша Хитойга элтувчи довол йўли, шимол-ий худудларда «Навой-Учкудук-Султон Увайистог-Нускус», Жанубда кунни кеча қуриб битирилган «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрган» темир йўллари келажақ асрларга, авлодларга қолғувчи мислсиз бойликдир. Минг кунда икки юз йилгирма уч чақиримлик темир йўл қирқ унча қўрқув ва тўққузта замонавий бекатлари билан дунёга келди. Бу — замон мўъжизаси! Бу — халққа озодлик, мустақиллик ҳаёти этган қудрат нишонаси!

Истиқлол йилларида юртимизда барпо этилган янги-янги давлат бошқаруви, парламентаризм, янги мулкчилик шакллари, тикланаётган кадрятлар — буларнинг бари ана шу буюк бунёдкорликнинг йўналишларидир ва ушбу бир бутун иморатнинг бош меймори муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Абдуғаниевич Каримовдир.

Биз, шоирлар, одатда, Истиқлолни улугъ неъмат, илоҳий неъмат, дея улугълаймиз. Гоҳо илоҳомга берилиб, уни осмондан тушгандай тасаввур қиламиз. Ҳақиқат бундай эмас. Истиқлол тайёр саодат эмас, балки тарихий имкон эканлигини, халқимиз сув келса симириб, тош келса кемириб янги ҳаёт қураётганини ёшларимиз англамоғи керак.

Ватанимиз ўн олти йил ичида не-не хатарли онларни бошдан кечиргани, мамлакат раҳбарининг қатъияти, саботи, халқнинг матонатли билан бу обод кўнларга омон этиб келганимиз, келганда ҳам гурур қилгудек яратувчанлик ишлари билан келганимизни бутун жаҳон, кўзи очик ҳар банд кўриб турибди.

Ешларга айтар сўзим, шу Ватанимнинг севинг, унинг қувончларини қувончим деб, дардларини дардим деб яшанг. Дарҳақиқат, бу юрт — ҳаммамизники, ҳаммадан ҳам кўпроқ сизларники, чуқки келажақ улугъ юртинг қурувчилари, эгалари сизларсиз.

Эркин ВОХИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири.

ВАТАН КЎКСИДАГИ САЖДАГОҲ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган кўнларда юз берган ҳаяжонли ва сурурли дамларни асло унутиб бўлмайди. Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимиз пойтахтининг Бош майдонига «Мустақиллик майдони» номи берилган кун — 1991 йил 5 сентябрь ҳам муҳим тарихий саналардан бирига айланган эди.

Таъбир жоиз бўлса, бу Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшамажлисидаги маърузасида таҳлил қилиб берилган мустақил тараққиёт сари бошланган йўлнинг ўзига ҳос дебоналаридан бири бўлган эди.

Пойтахт — миллат қиёфаси. Ҳар бир мамлакатнинг бош кенти номи тилга олинганда, энг аввало, ўша мамлакат, унинг халқи кўз олдимизга келади. Пойтахтнинг обрў-эътибори, хусни-тароватига қараб, ўша давлатнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, салохияти, куч-қудрати, маънавияти ва маданияти ҳақида тасаввур ҳосил қиламиз. Бош майдон эса пойтахтнинг бамисоли уриб турган юрагидир.

Миллат тақдирига дахлдор барча йирик тадбирлар, мамлакат миқёсидаги улкан шодияналар, тўй-тантаналар, энг

аввало, шу ердан бошланган. Жонажон Ўзбекистонимиз пойтахти — Тошкент шаҳридаги Мустақиллик майдони ҳам халқимиз

Нигоҳ

озодлигининг, ажодларимиз асрлар давомида орзиқиб кутган ва бугунги авлодларга насиб этган

табаррук истиқлолимизнинг муқаддас рамзидир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, халқимиз онги-шуурида рўй берган беқийс эврилишлар бугунги пойтахтимиз қиёфасида, унинг Бош майдонидаги ўзгариш ва янгиланишларда ўз ифодасини топган, десак янглишмаймиз.



(Давоми 2-бетда).

ПАХТА ЯРМАРКАСИ:

МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Жорий йилнинг 17-19 сентябрь кўнлари Тошкентда III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ва унинг арасида IV Халқаро пахта ва тўқимачилик конференцияси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитаси ва «Cotton Outlook» журналы кўмағида ташкил этиладиган ушбу тадбирларда дунёнинг Унлаб мамлакатларидан соҳага ихтисослашган компанияларнинг юзлаб вакиллари иштирок этиш истагини билдирган.

Тошкентда Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг аънанавий тарзда ўтказилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли иқтисодий ислохотлар, шу жумладан, пахтачилик соҳасидаги туб ўзгаришларнинг натижасидир. Ярмарка биринчи марта 2005 йилда Президент Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ташкил этилиб, мамлакатимизда пахта ни етиштириш, уни қайта ишлаш ва со-

тиш борасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда янги босқични бошлаб берган эди. Ўтган йиллар мобайнида унда иштирок этаётган хоржий ишбилармон доиралар вакиллари-нинг сони муттасил ортиб бораётгани Ўзбекистоннинг жаҳон пахта бозоридидаги нуфузи янада ошатиётганининг яққол далилидир. Масалан, 2005 йилнинг кузида ўтган Тошкент ярмаркасида 30 мамлакатдан пахта савдоси

билан шуғулланадиган 169 вакил келган бўлса, 2006 йили унга 36 давлат, жумладан, Беларусь, Вьетнам, Ҳиндистон, Эрон, Малайзия, Покистон, Туркия, Украина ва Франция каби мамлакатлардан 250 дан ортик вакиллар ташриф буюрди. Шуниси эътиборлики, бу борада мамлакатимиз корхоналари билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирётган фирма ва компаниялар орасида Жануби-Шарқий Осиё

(Давоми 2-бетда).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатимизнинг Миллий байрами муносабати билан Греция халқи ва шаҳсан ўз номидан гоят қизғин қўтловларини ҳамда Ўзбекистон халқига омонлик ва раванк, шаҳсан Сизга бахт-саодат тилаб билдирган эзгу истақларини изҳор этаман.

Каролос ПАПУЛИАС,
Греция Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,
Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами шарафига Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий табрикларимни йўллаш менга катта қувонч бахш этди. Ушбу фурсатдан мамнуният ила фойдаланиб, шаҳсан Сизга омонлик, Ўзбекистон Республикаси халқига эса бахтиёр келажақ тилаб билдирган энг эзгу истақларимни йўлламан.

Хайнц ФИШЕР,
Австрия Республикаси Федерал Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,
Мустақиллик кўни — Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан самимий қўтловларимни қабул қилгайсиз.

Ишон билдираманки, Болгария Республикаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси келгусида ҳам болгар ва ўзбек халқлари манфаатлари йўлида барча соҳалардаги тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш учун янгидан-янги имкониятларни фаоллик билан излаётганлар.

Ажойиб имкониятдан фойдаланиб, муҳтарам Президент жаноблари, Сизга сийҳат-саломатлик, омонлик ва гоят масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилаб қоламан.

Эхтиром ила,
Георги ПАРВАНОВ,
Болгария Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,
Мамлакатимизнинг Миллий байрами муносабати билан Чехия Республикаси халқи ва шаҳсан ўз номидан Сизга энг самимий қўтловларини йўллашга икзолат бергайсиз.

Мен Чехия Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатлар муваффақиятли ривож топаётганидан астойдил мамнунман ва ишончим комилки, ҳамкорлигимиз келгусида янада чуқурлашиб бораверади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга сийҳат-саломатлик, давлат ишларидаги фаолиятингизда ҳамда шахсий ҳаётингизда муваффақиятлар тиламан.

Вацлав КЛАУС,
Чехия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кўни нишонлаши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни ҳамда сийҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикаси ҳамда унинг халқига тараққиёт ва фаровонлик тилаб билдирган эзгу истақларимни йўлламан.

Пумпил АДЪЛЬЯДТ,
Тайланд Қироли

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кўни муносабати билан Баҳрайн халқи ва ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига ва ўзбек халқига самимий табриклар йўллашдан беҳад мамнунман. Фурсатдан фойдаланиб, Сизга сийҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига доимий тараққиёт ва фаровонлик тиламан.

Жаноби Олийлари, қўқур эхтиромимни қабул қилгайсиз.

Ҳамод бин Исо ал-ҲАЛИФА,
Баҳрайн Подшоҳи

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кўни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига яна бир бор самимий қўтловларимни ҳамда саломатлик ва бахт-саодат, мамлакатингиз ва унинг халқига эса раванк тилаб энг эзгу истақларимни изҳор қилиш менга катта мамнуният бахш этди.

Ҳожи Ҳасанал БОЛКИЯ,
Бруней Султони

Ҳўжайлидаги «1-Меҳрибонлик уйи»даги 30 нафар ўғил-қиз бу галги истиқлол байрамини умрбод воқеада сақлаб қоладилар.

Болаларга — Президент совғалари

Улар ушбу мухташам саховат масканини қуриб берган, ўз ташриф чоғида замонавий автобус ҳаёти қилган муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг совғаларини олдилар. Бу ақоиб совғалар «Меҳрибонлик уйи»даги таълимни тугатиб, касб-ҳунар коллежлари ва ўқув юрталарига йўл олган ўмирларга ҳам берилади. Шунингдек, 1-синф ўқувчилари ва битирувчиларга ҳар бирда 50 минг сўм маблағ бўлган банк дафтарачалари ҳам топширилди.

«Меҳрибонлик уйи»даги тантананда Қорақўлдоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Б. Янгибоев қатнашди.

Янгибой ҚўҚҚОРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Таҳдид сақланиб қолаяпти

Шу йилнинг 1 сентябрь кунин Францияда ЭТА айирмачиларининг тўрт нафар аъзоси қўлга олинган.

Испания полицияси вакилининг билдиришича, мазкур шахслар кенг қўламли теракт содир этишга тайёргарлик қўришган экан. Каор шаҳрида уларни қўлга олиш чоғида айирмачилар машинасида 400 килограммга яқин портовчи модда топилган.



ЭТА томонидан мамлакат ҳавфсизлигига таҳдид сақланиб қолаяпти.

Тиклаш ишлари бошланди



Грецияда ўрмон ёнгинларидан зарар кўрган ҳудудларни тиклаш ишлари бошланди. Бу ҳақда мамлакат ҳукумати вакили Теодорос Руссопулос расман маълум қилди.

Таъқидлаш керакки, кенг қўламли ўрмон ёнгинлари содир бўлгандан сўнг мамлакатда сув тошқинлари бошланди. Ҳозирда табиий офатлар келтирган зарар ҳисоб-китоб қилинмоқда. Тахминий маълумотларга кўра, Греция 4 миллиард евро миқдорда талафот кўрган бўлиши мумкин.

Оммавий иш ташлаш

Лондон метроси ходимлари уч кунлик оммавий иш ташлаш эълон қилишди. «Sky News» телеканалининг хабарига айтилишича, жума кунига қадар Буюк Британия пойтахтидаги 12 та метро йўналишидан утаси ишлайди, холос.

Мазкур норозилик акциясида 2300 киши иштирок этаяпти. Лондон метросини бошқарадиган «Metronet Rail» компанияси ақинда инқирозга учрагандан сўнг касаба уюшмаси мазкур иш ташлашни уюштирди. Метро ходимлари ўз иш жойларидан ажраб қолишларидан

хавотирдир. Улар ишдан бўшатишмаслиги тўғрисида қарорат берилишини талаб қилишмоқда. Метро ўз фаолиятини тўхтатиш кўчаларда транспорт тиклиничилигига сабаб бўлмоқда. Кўплаб аҳоли кўзлаган манзилга ўз вақтида етиб боришга қийналмоқда.

Таъминотда вақтинчалик узилиш

Грузия Россияга электр энергияси етказишни вақтинча тўхтатишди. Бунга сабаб электр узатиш тармоғида таъмирлаш ишлари бошланганидир. Бу ҳақда «Грузия давлат электр тизими» компанияси матбуот хизмати «Интерфакс» мухбирига маълум қилди. Таъмирлаш ишлари шу йилнинг сентябрь ойи охирига қадар давом этиши мумкин.



Эҳтиётсизлик оқибати

Хитойнинг Чунцин шаҳридаги фармацевтика фабрикаларидан бирида бромнинг тўкилиб кетиши туфайли 158 киши заҳарланди.


Улар зудлик билан шифохонага ётқизилди. Фабрика ходимлари 25 килограмм бромни фойдаланиш учун олиб кетишганда идиш синиб кетган. Айни пайтда офатнинг олди олинмоқда.

Кутилмаган ташриф

АҚШ Президенти Жорж Буш кутилмаган ташриф билан Ироққа келди. У бу ерда Америка қўмондонлиги вакиллари ва Ироқ Бош вазирини учрашди. Жорж Бушга Давлат котиби Кондолиза Райс, миллий хавфсизлик масалалари бўйича президент ёрдамчиси Стивен Хедли ва мудоффа вазирини Роберт Гейтс ҳамроҳлик қилмоқда.

Оқ уй раҳбари Ироқда вазият ўнгиланиши билан америкалик ҳарбийлар ўз уйларига қайтишни билдирди. Бироқ Ироқда қачон вазият ўнгиланиши номаълумлигича қолмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Бугун қадим Марғилоннинг ҳар бир гўшасида байрам шуқуҳи кезмоқда. Етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барчанинг нияти орзиқиб қутилган тўйга муносиб тўёна ҳозирлашдир. Айём ақинлашган сари янги қурилиш иншоотлари бирин-кетин фойдаланишга топширилмоқда. Шаҳарнинг хунармандлари, қосиблари, ишбилармон тadbиркорлари, атласчию адрасчилари кимўзарга тўёнабоп маҳсулот ишлаб чиқариш борасида баҳс боғлашгандек, гўё...

КЎҲНА ШАҲАРНИНГ ЯНГИ ЖАМОЛИ

Бунинг ўзига хос сабаби бор. Биласиз, шаҳар қадимдан уста-хунармандлар макони саналади. Марғилоннинг 2000 йиллик тарихини аниқлашга имкон берган Машаҳдтепа топиламаларининг аксарияти хунармандчиликка оид буюмлар эканини археологлар ҳам алоҳида таъкидлашмоқда. Сопол идишлар ичида сақланиб қолган шойи парчаларидан библиш мумкинки, ипакчилик, абрандлик хунари шаҳар ёши билан тенг. Дарвоқе, ҳозирги кунда бу топиламаларнинг кўп қисми яқинда фойдаланишга топширилган очик осмон остидаги музей — Сайид Аҳмад ёдгорлик мажмуасида сақланмоқда.

— парашют тайёрлашда ишлатилган газламага тенг мато ишлаб чиқарилади. «Едгорлик» корхонаси мутахассисларининг айтишича, бу

ки, ўтган ой охирида бир қатор юбилей объектлари, мажмуалар, музейларнинг фойдаланишга топширилгани ҳақида хикоя қилгандик. Бугун



газламадан электр саноати ва реактив самолётларнинг мурватларини ишлаб чиқаришда фойдаланиши мумкин. Янги маҳсулот аллақачон донг таратиб, кўшни Россия давлатининг бир қатор самолётсозлик бирлашмалари, радиотехника заводлари уни харид қилиш борасида корхона билан шартнома имзолашга ҳам улгурди. Шу хунгача корхона 30 та метр атрофида маҳсулот тайёрлаган бўлса, байрам арафасида бу ерда ишлаб чиқариш суръати икки бараварга оширилиши кутляпти. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Маълум

шаҳарни кезсангиз, кўҳна шаҳар шоҳидиёна муносабати билан амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг нақадар кенг қўламада олиб борилаётганига гувоҳ бўласиз. «Ипакчилар» номи билан аталувчи шифохона шу кўнларда тўлик таъмирланди. Учта уч қаватли бино бирлаштирилиб, ахлит мажмуага айлан-тирилди. Замонавий қўлайлик яратиш учун лифтилар ишга туширилди, шифохона ҳовлисида сўлим хийбон бунёд этилди. Айни пайтда шаҳардаги бу каби давлолаш мажмуасаларини қайта таъмирлаш, замонавий шарт-шароитларни ҳозирлаш бирин-



чи галдаги юмушлар сирасига кирди. Хусусан, яқиндагина эски, ташландиқ ҳолга келиб қолган болалар боғчаси йирик оливайи поликлиникага айлантирилди. Шунингдек, шаҳардаги 4 та поликлиника тўла таъмирланиб, аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Бунёдкорлик ишларида вилоятдаги барча қурилиш ташкилотлари фаоллик кўрсатди. Масалан, болалар ва ўсмирлар диспансерини Фарғона туманидаги «Стандарт» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари бунёд этган бўлса, Қўва-сойдаги «Амир Темури» кўп тармоқли қурилиш фирмаси 2-поликлинкани тўдан реконструкция қилишни ўз зиммасига олди. Бундан ярим аср аввал қурилган, эндиликда бутунлай янгига қиёфа касб этган бу муҳташам шифо макани шаҳардаги 12 та маҳалланинг 46 минг аҳолисига хизмат қилади.

Хуллас, кўҳна шаҳарнинг қутлуғ тўйини муносиб кутиб олиш мақсадида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг саноғи йўқ. Юбилей муносабати билан бу ерга ташриф буюрувчи меҳмонлар замонавий қиёфа касб этган Марғилонни бугун танимасликлари мумкин. Кўҳна хийбонлар, хизмат кўрсатиш мажмуасаларидаги янгиликларни кўриб, айни кўнларда ҳар бир киши қўшалок байрам арафасида шаҳар кўрқига-кўрқ қўшсам, маҳаллаю гузарни обод қилиб, гулларга буркантирсам, дейди. Бунинг кўчалардаги орасталлик, ҳар қандамда учраётган ободлаштириш тadbирларидан ҳам англаш мумкин. Энг муҳими, ҳар ким ўз кўнгида бир истак билан ҳаракат қилмоқда: байрамни ёруғ юз билан, қилган эзгу ишларимиздан гурури тўйган ҳолда кутиб олайлик. Замонавий қўлайлик яратиш учун лифтилар ишга туширилди, шифохона ҳовлисида сўлим хийбон бунёд этилди. Айни пайтда шаҳардаги бу каби давлолаш мажмуасаларини қайта таъмирлаш, замонавий шарт-шароитларни ҳозирлаш бирин-

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Сурхон томонларда

Қайта ишлангани — қўш казина

Банкида қадим сурхон сирасига кирди. Хусусан, яқиндагина эски, ташландиқ ҳолга келиб қолган болалар боғчаси йирик оливайи поликлиникага айлантирилди. Шунингдек, шаҳардаги 4 та поликлиника тўла таъмирланиб, аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Бунёдкорлик ишларида вилоятдаги барча қурилиш ташкилотлари фаоллик кўрсатди. Масалан, болалар ва ўсмирлар диспансерини Фарғона туманидаги «Стандарт» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари бунёд этган бўлса, Қўва-сойдаги «Амир Темури» кўп тармоқли қурилиш фирмаси 2-поликлинкани тўдан реконструкция қилишни ўз зиммасига олди. Бундан ярим аср аввал қурилган, эндиликда бутунлай янгига қиёфа касб этган бу муҳташам шифо макани шаҳардаги 12 та маҳалланинг 46 минг аҳолисига хизмат қилади.

Ва туманда биринчи бўлиб сутни қайта ишлайдиган корхона қуришга киришди. Туманда кунига 40 тоннадан кўпроқ сут ишлаб чиқарилади. Яқин орада ишга туширилиш кутляётган Эргашевнинг корхонаси шунча сутнинг саксондан бир фоизини қайта ишлаш олади, холос. Шу миқдорни кўпайтирмоқ учун яна ўн нафар фермер чорвачиликни кенгайтириш баробарида бу соҳани саноатлаштиришга бел боғлади.

Маҳалладошлар кўмаги

Ангордаги 7 та қишлоқ фуқаролар йиғинининг ҳар бири айни пайтда туман бандаликка қўмаклашиш марказининг таъин маскани деб ҳам юритилган бўлди.

Маҳалла фаоллари кўмағида маскан янги иш ўринларини яратиш, излаб топиш, қишлоқ аҳолисини ишга жойлаштириш юмушлари билан шуғулланади, ташаббусларини мувофиқлаштиради.

Шунга ўхшаш саъй-ҳаракатлар самараси уларок, ўтган ярим йилда туманда 876 нафар киши иш билан таъминланди. «Нурхон Абдулқадим», «Зарафшон-Ангор», «Меҳризода-Сурхон» сингари ўнлаб фермер хўжалиқлари иш билан таъминланган. Қўлақлашувчи давлат жағмармаси ҳисобидан кредит олиб, чорвачилик ва сервис хизматларини ташкил этиш орқали йил охирига қадар 200 дан зиёд иш ўрни яратмоқчи. Ховлисида мол боқайтган 406 фуқарога эса меҳнат дафтarchаси очилди.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Жараён

деҳқон хўжалиги ташкил этиб, укалари Тўйчи, Суннатларини ўз ёнига олиб, 1 гектар ерда тоқзорлар яратишни бошлаган эди. Тоғолди ҳудудларида, нотекис, бунинг устига, сувга ёлчимайдиган жойларда тоқзор ҳосил қилишни ҳамма ҳам

Бугунги кунда туман марказидан қирқ-эллик чакирин наридаги Самоғ ва Тотор қишлоқларидан ўнлаб меза-чева ортган машиналар пастга ўрмаламоқда. Бунинг «Турон» агрофирмаси ва «Ҳайдарбулоқ боғи» МҶНнинг тугатилиб, ўрнига янги боғдорчилик фермер хўжалиқлари ташкил этилганлиги, боғлар ва тоқзорлар ҳақиқий эгасини топгани, иқтисодий ислохотлар самараси билан изоҳласак, мулолажа бўлмас.

ЯККАБОҒНИНГ СЕРФАЙЗ БОҒЛАРИ

Фермер хўжалиқларини ташкил этишда одамларнинг қизиқиши, талаби инобатта олиниб, атрофига боғларини кичик фермер хўжалиқларига ажратиб бериш режалаштирилди. Натижада бир йилнинг ўзидеяк 700 га яқин боғдорчилик ва узумлиликка ихтисослашган фермер хўжалиқлари пайдо бўлди. «Турон» ва «Ҳайдарбулоқ боғи»нинг 600 гектардан зиёд боғлари, 300 гектарга яқин тоқзорлари янги ер эгаларига топширилди.

— Бу йил олмасорларимиздан 16-18 тоннадан ҳосил олишни мўлжаллаяпмиз. — дейди фермер Абдуназар Бозоров. — Ҳозирнинг асосий қисмини Шаҳрисабз консерва заводига, мевани қайта ишловчи хусусий корхоналарга шартнома асосида етказиб берамиз. Бир қисми ўзимизда қолади. Бозорларимизнинг тўқинчилиги шундан. Жуманазар Сафаров бундан тўрт йил муқаддам

Абдулла БОБОЁРОВ.

Российский линолеум Обои виниловые. Форма оплаты — любая. Товар сертифицирован. тел. 134-48-11 факс 134-49-58


LOK Kolor SINTEZ Қўшма Корхонаси. ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР БЎЙИЧА ТАЙЁРЛАНГАН ЛАК-БЎЁК МАТЕРИАЛЛАРИ. ИНТЕРЬЕР УЧУН СУВЛИ ҚОПЛАМАЛАР (девор ва шифтлар учун бўёк) ФАСАД УЧУН ҚОПЛАМАЛАР (пропитка, грунтовка, бўёк) Универсал АЛКИДЛИ ЭМАЛЬ Пол учун ЭМАЛЬ Томлар ва юк вагонлари учун ЭМАЛЬ Сув ҳавзалари учун БЎЁКЛАР Саноат ускуналари, қишлоқ хўжалиги машиналари учун СУВГА ВА КИМӨВИЙ ТАӨСИРЛАРГА ЧИДАМЛИ АКРИЛАТЛИ ҚОПЛАМАЛАР Металл конструкциялар, локомотивлар, қишлоқ хўжалиги ва йўл машиналари учун ЮҚОРИ АТМОСФЕРА ТАӨСИРЛАРИГА ЧИДАМЛИ АЛКИДУРЕТАНЛИ ҚОПЛАМАЛАР Йўл чизгилари учун БЎЁК Ёғоч ва бўялган юзалар учун (рангли ва рангсиз) ЛАКЛАР ХИМОЯВИЙ ҚОПЛАМАЛАР (турли юзалар учун грунтовка, шпатлёвка) Шунингдек, АЛКИД СМОЛАСИ (лак-бўёк саноати учун яримфабрикат лак) Ушбу маҳсулотларимизни корхонамизнинг қуйидаги манзилда жойлашган ФИРМА ДЎКОНИДАН завод нархида сотиб олишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22.

УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ «VOSTOK RUS AVTO» МҶМ. Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозаводида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобилларини сотади. Юк ташувчи УАЗ-3303. Юк ва йўловчи ташиш учун махсус УАЗ-39625. Кўшимча кабинали УАЗ 39094. Шунингдек, фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун ҳажмли УАЗ-3909, 4x4 МРВ: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади. Харидорлар диққатига! Автомобилларни лизингга, кредитга олиш бўйича акциядорлик тижорат «Ҳамкорбанк»нинг барча филиалларига мурожаат қилишингиз мумкин! МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. Тел./факс: 149-33-69, 150-20-43. Манзил: Тошкент ш., Беруний к., 83-уй.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси меҳнат муҳофазаси хизмати бошлиғи Хусан Тошпулатовга онаси МУНИРА апаинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор қилади. Тошкент кимё-технология институти жамоаси шифа устаси Салимхон ЗИЯЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади. АТ «Ўзсаноатқурилишбанк»и жамоаси банкнинг Кузатув кенгаши аъзоси Рустам Абдулович АНРАПОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдирди.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

Голларга бой учрашувлар



Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати олий лигаси 19-тур учрашувлари голларга бой бўлди.

Амалдаги чемпион "Пахтакор" ўз майдонида "Андижон"ни қабул қилиб, йирик (5:0) ҳисобда мағлубиятга учратди. Жамоа сардори Сервер Жепаров шу кунги дублга эришди. Муборақда "Машал" Тошкентнинг "Трактор" жамоаси устидан 5:2 ҳисобида зафар кўчди. Медаллар учун кураш олиб борилган "Нефчи" сафарда Санжар Аскаралievнинг ягона голи эвазига "Бухоро" устидан (0:1) кичик ҳисобдаги галабага эришди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Навбахор" — "Вобкен" 4:1, "Кизилкум" — "Металлург" 5:1, "Самарқанд-Динамо" — "Локомотив" 1:1, "Тупаланг" — "Насас" 1:0.

Максим Шацких жамоаси гурӯҳ босқичида

Монте-Карло (Франция)да футбол оламининг энг нуфузли мусобақаларидан бири — Европа чемпионлар лигаси гуруҳ баҳслари (2007-2008 й.га кура ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Унга қўра, ҳамюртимиз Максим Шацких тўп сураётган "Динамо" (Киев) жамоаси F гуруҳидан жой олди. Украинаник футболчилар гурӯҳда "Манчестер Юнайтед" (Англия), "Рома" (Италия) ва "Спортинг" (Португалия) жамоалари билан кейинги босқичга чиқиш учун баҳс юритади. Қолган гуруҳлар қуйидагича қўришни олган:

"А" гуруҳи: "Ливерпуль" (Англия), "Порту" (Португалия), "Олимпик" (Франция), "Бешикташ" (Туркия).

"В" гуруҳи: "Челси" (Англия), "Валенсия" (Испания), "Шальке-04" (Германия), "Русенборг" (Норвегия).

"С" гуруҳи: "Реал" (Испания), "Лацио" (Италия), "Олимпикас" (Греция), "Вердер" (Германия).

"D" гуруҳи: "Милан" (Италия), "Бенфика" (Португалия), "Селтик" (Шотландия), "Шахтёр" (Украина).

"E" гуруҳи: "Барселона" (Испания), "Лион" (Франция), "Штутгарт" (Германия), "Рейнджерс" (Шотландия).

"G" гуруҳи: "Интер" (Италия), ПСВ (Голландия), ЦСКА (Россия), "Фенербахче" (Туркия).

"H" гуруҳи: "Арсенал" (Англия), "Севилья" (Испания), "Стяпа" (Руминия), "Славия" (Чехия).

...Тўрт яшар қизалоқ сариқ касали билан оғриб қолди. Ота-она бўлмиш Эркин ака ва Замира опаларни, табиийки, фарзандининг аҳволи жиддий таъшишга соларди. Шундай кунларнинг бирида Замира опа сузиш спорти билан шуғулланиш сариқ касаллигининг асоратларини бартараф қиларкан, деган гапни эшитиб қолади. Ва дарҳол қизини Андижон шаҳридаги "Марварид" сузиш спорти мактабига олиб боради. Сузиш билан шуғулланган қизча қисқа вақт ичида нафақат буткул соғайиб кетди, балки ўз иқтидори ва ҳаракатчанлиги билан мураббий Рустам Амилов назарига қатади...



«БОЛАМНИНГ КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ!»

Бугун юрт фаҳрига айланган андижонлик Мафтунабону Тўхасинова шу тарихда спортга қадам қўйган. У айни пайтда андижонда 13 ёшга тўлган бўлса-да, эришган муваффақиятлари тусфайи спорт илосмандларига яхши таниш. Мафтунабону бундан икки йил муқаддам сузиш бўйича ўтказилган Ўзбекистон қишки чемпионати ва биринчилигида барча гуруҳларда қатнашиб, тўрт марта «мамлакат чемпиони» деган шарафли номига сазовор бўлди. 200 метрга чалқанча усулда сузишда эса 2,25 дақиқа натижага эришди. Тенгдошлари орасида Ўзбекистон мутлақ рекордини ўрнатиб, спорт устаси талабини бажарди. Албатта, 11 ёшда бундай нуфузли макомга эришиш жаҳон сув спорти тарихида жуда кам учрайдиган ҳолат.

— Илгарилари ўзбек қизларининг сузиш бўйича юқори натижаларга эришишига ҳеч ким ишонмасди, — дейди мураббий Р. Амилов. — Мафтунабону ўзининг улкан галабалари билан бу ишонсизликнинг нечоғлик асоссиз эканини исботлади. Шогирдининг иқтидори, жаҳон миқёсида қўлга киритган ютуқлари ҳақида ўйлай туриб, бир нарсга амин бўламиз. У ҳам бўлса, агар юртимизда истиқлол йилларида спортчи ёшларга бу қадар эътибор берилмаганда, бизнинг қизларимиз бошқалар наздида ҳалихануз «нуноқ» лигича қолиб кетаверарди.

Дарҳақиқат, Мафтунабону ёш бўлишига қарамай, қисқа вақт ичида вилоят ва республика чемпионатларида соврилли ўринларни қўлга киритди. Ундаги иқтидорни сезган мураббийлар 2005 йилда Мафтунабонунини биринчи гуруҳ (катталар ўртасида) мураббийларига жалб қилишди. Ёш спортчи 400 метрга чалқанча усулда сузишда 5,24 дақиқа натижа билан мамлакат чемпиони бўлди. Кейинчалик, Малайзия, Австрия, Германия ва бошқа давлатларда ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирларда қатнашиб, мураббийлари ишончини оқлади, юртимизга совриндор бўлиб қайтди.

Истеъдод

Айниқса, 2006 йили Қатар пойтахти Доҳада бўлиб ўтган навбатдаги Осиё ўйинлари Мафтунабонунини дунёга танитди, десак, муболага бўлмас. 12 ёшли ўзбек қизи қўшанинг энг нуфузли мусобақасида ўзидан катталар билан тенга-тенг баҳс олиб борди. Қўшанининг турли бурчакларидан келган мутахассислар унинг маҳорати ва иқтидориغا юксак баҳо беришди.

— Қизим катта спорт билан шуғуллана бошлагач, мактабдаги дарсларни ташлаб қўрмаккан, деб қўрқандим, — дейди Замира опа. — Шуқури, ундай бўлмади. Аксинча, спорт унинг интилувчанлиги янада оширди, қизим фанларни аввалгидан ҳам яхши ўзлаштирди. Биласизми, баъзан боламини ўйлаб, қаттиқ ҳавотирланаман ҳам. Ўзим сувдан қўрқганим учун унинг сузиш бўйича энг мураккаб машқларни ҳам ҳеч бир қўйиниликсиз бажараётганини кўриб, боламининг жасоратига тан бераман.

«Аяқон, мен ҳали Олимпияда ўйинларида ҳам голиб бўламан» деса, юрагим қувончдан энтиқиб кетди. Шундай кўнлар тезроқ келсаяди, дея ширин орузларга бериламан. Ахир, юрт шаънини муносиб ҳимоя қила оладиган қизинг онаси бўлишдан ҳам ортироқ бахт қозониши? Боламининг эртаси янада ёруғ бўлишига ишонаман.

Ҳа, она кўнгли ҳеч қачон алдамайди. У нимани сўзса, юрагимда қандай хисни туйса, ўша позиса туйғулар фарзанди бошига бахт қўли бўлиб қўнажади! Мафтунабонунинг келгусида юртимиз байроғини юртлар ичра баланд кўтаришига биз ҳам инонамиз!

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.




Ўтган кун
Яйпандаги Олимжон Акбаров номидаги стадион байрам тусини олди.
Бу ерда
Мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишланган футбол бўйича аънавий Олимжон Акбаров хотира турнири бўлиб ўтди.

Мусобақалар қизгин паллада

Пойтахтимизда теннис бўйича давом этаятган Осиё чемпионатининг навбатдаги кун ортда қолди.

Тошкент теннис кортларида қўшанинг йилгирмага яқин давлатидан келган саксон уч нафар ракетка устаси бош соврин учун баҳс юритишмоқда.



Хотин-қизлар ўртасидаги яққалик бахсларида ҳамюртимиз Нигора Си-рождидинова қозонистонлик Мария Ковальевани 6/7(4), 7/6 ҳисобида мағлубиятга учратди. Руфат Биктязов эса ҳиндистонлик тажрибали теннисчи Вивек Шокинни 6/2, 6/1 ҳисобида доғда қолдирди.

Шунингдек, мусобақанинг иккинчи кунги ҳиндистонлик Каран Растроги, Жанубий Корея теннисчиси Юнг Хи Чо, қувайтлик Муҳаммад Фариб, гонконглик Зи Жун Янлар галаба қозонишди. Чемпионат ўйинлари давом этмоқда.

Велоспортчиларимиз «Тур де Корея»да

Кеча Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида шоссе велоспорти бўйича аънавий кўп кунлик «Тур де Корея» халқаро турнири бошланди.

Унда Руслан Каримов, Николай Казакбоев, Вадим Шайхов, Юрий Иволжатов, Элдор Мухоменов ва Юсуф Абрековлардан иборат терма жамоамиз аъзолари юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқдалар.

М. БЕГАЛИЕВ.

ХОТИРА ТУРНИРИ

Бундан икки йил муқаддам Яйпан шаҳрида ушбу турнирга асос солинган эди. Мусобақанинг давоми Тошкентда журналистлар ўртасида ҳам зўр муваффақият билан уюштирилди.

қош бўлгандилар. Устозимиз хотираси учун турнир ташкил қилган ташкилотчиларга раҳмат! Тантанали маросим якунлангач, майдонга миллий чемпионатимизнинг биринчи лигасида тўп сураётган Олимжон Акбаров номидаги ва Ўзбекистон ёшлар терма жамоалари тақлиф этилди. Учрашувни майдонга йиғилган беш минг нафардан ортиқ мухлис қўллаб-қуватлаб турди. Қизикли қурашлар остида ўтган ўйин 1:0 ҳисобида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси фойдасига ҳал бўлди.

Ж. ТОШТЕМИРОВ.

Advertisement for Hyundai SUV. Image of a silver SUV. Text: Drive your way. Tel.: 215-89-89, 215-83-38. Кафолат — 2 йил. Махсулот Сертификатланган. HYUNDAI Official Partner www.hyundai-motor.com

Advertisement for «Универсал биржа маркази» МЧЖ. Text: 2007 йил 9 октябрь куни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулкни қўймоқда: Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2006 йил 16 октябрдаги 14187/13-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Шайхонтоҳур Инвест» ШКнинг жарима майдонида сақланаётган, давлат рақами 3006038 бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ-2411» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 498 000 сўм. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2006 йил 9 октябрдаги 13862/10-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Шайхонтоҳур Инвест» ШКнинг жарима майдонида сақланаётган, давлат рақами 3065057 бўлган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ-2103» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 143 000 сўм. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2006 йил 17 октябрдаги 14277/12-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Шайхонтоҳур Инвест» ШКнинг жарима майдонида сақланаётган, давлат рақами 10К9865 бўлган, 1978 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ-21011» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 138 000 сўм. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2005 йил 28 октябрдаги 10-0507/9260-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Халқлар дўстлиги» кўчаси, 29-«А» уй манзилидаги «Совпласттал» қўшма корхонасига тегишли ва шу манзида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади: 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АК578 бўлган «РАФ-2203-01» русумли микроавтобус (соз ҳолатда). Бошланғич баҳоси — 1 245 384 сўм. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АЗ803 бўлган «Эсперо» русумли автотранспорт воситаси (соз ҳолатда). Бошланғич баҳоси — 4 879 872 сўм. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10А1553 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси (соз ҳолатда). Бошланғич баҳоси — 4 646 362 сўм. 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АР759 бўлган «ГАЗ-31029 Волга» русумли автотранспорт воситаси (соз ҳолатда). Бошланғич баҳоси — 747 230 сўм. Шунингдек, 2007 йил 21 октябрь куни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулк қайтадан қўйилмоқда: Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2005 йил 10 октябрдаги 0518/5181-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 73-уйда жойлашган «SHOABVOS» МЧЖга тегишли блок-1 (112 кв.м.), блок-2 (304 кв.м.), блок-3 (72 кв.м.), блок-4 (27 кв.м.), блок-5 (46 кв.м.), блок-6 (205 кв.м.)лардан ташкил топган қурилиши тугалланмаган бинолар ва шийпон. Бошланғич баҳоси — 26 460 505 сўм. Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридида зақалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минни банкидаги МФО 00417, СТИР 204325773, х/р 20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва зақалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

Advertisement for «Крокус Газ Сервис» КК. Text: Газ уюгуржи истеъмоқчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига! «Крокус Газ Сервис» КК «Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни тақлиф этади: ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ). Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган. Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ. Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида. Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга. Россияда ишлаб чиқарилган «АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН замонавий электрон газ ўлчачиглари. Ўлчаш диапазонлари: - «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача); - «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача); - «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача); - «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача); - «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача). Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида. Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга. Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштаб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Footer section with contact information. Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 24960 нусхада босилди. ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25. Манзилимиз: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров. Навбатчи — О. Фаизов. Мусаҳҳах — Ш. Машраббоев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ҳўа якуни — 21.30 Топширилди — 22.50 2 3 4 5 6